

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Парламент хабарлари

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида «Мустақиллик йилларидаги иқтисодий ислохотларнинг қонунчилик асослари: таҳлил, баҳо ва ҳулосалар» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Банклар ассоциацияси ва Банк-молия академияси билан биргаликда ташкил этилган ушбу конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимиз ҳаётида катта тарихий аҳамиятга моликдир. Маърузада мамлакатимизда амалга оширилаётган, стратегик аҳамиятга эга бўлган кўп қиррали иқтисодий ислохотларнинг теран таҳлилига асосланган гоғялар илгари сурилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов маърузасида халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимий эътибор марказидаги биринчи даражали вазифа бўлиб келганлиги ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажаги алоҳида қайд этилди. Иқтисодиётнинг жўшқин ва барқарор ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш устувор вазифалар бўлиб қоламоғи керак. Шу билан бирга

Олий Мажлис Сенатига

Ўзбекистон иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва ислох этиш юзасидан кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Шу муносабат билан конференцияда халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини, шунингдек банк-молия тузилмаларининг бозор ислохотлари жараёнларидаги кенг иштирокини таъминлаш масалалари ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг қонунчилик асосларини таҳлил қилдилар. Конференцияда солиқ ва бюджет сиёсатининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кучайтириш, хусусий мулкнинг ролини ошириш, рақобат муҳитини яратиш, банк-молия соҳасини янада ислох қилиш, шунингдек ривожланган бозор инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Мамлакат иқтисодиётини ислох қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш юзасидан конференцияда таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Конференция ишида сенаторлар, вазирлик ва идоралар, давлат қўмиталари, бизнес тузилмалар, Марказий банк, тижорат банклари, жамоат ташкилотлари намояндalари, олимлар, экспертлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига

ЯНГИ КОДЕКС ЛОЙИҲАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва бошқармалар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ишбилармонлар иштирок этди.

Анжуманда ушбу Солиқ кодекси лойиҳаси Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланган алоҳида таъкидланди.

Солиқ тизими нафақат солиқларни

ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозимлиги, ҳар бир солиқ тўловчи у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламаслиги, даромадларини яширишга уринмаслиги, аксинча ўз ишлаб чиқаришини тобора ривожлантиришга эришиши зарурлиги таъкидланди.

Кодекс лойиҳасида солиқ солиш масалаларини тартибга солиш амалдаги барча меъёр ва қоидалар янада такомиллаштирилган бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлатга тўланадиган жамики солиқ ва мажбурий тўловлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, лойиҳада иқтисодиётимизнинг барча соҳаларига хос ва мос шароитлар эътиборга олинган.

Кодекс лойиҳаси амалдаги солиққа тортиш тамойилларига, жаҳондаги юксак ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланишга асосланган. Лойиҳада назарда тутилган меъёр ва қоидаларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши солиқ тизимининг такомиллашуви ва мам-



лакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролининг ошишига олиб келиши таъкидланди.

Семинарда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишдаги асосий ёндашувлар, унинг амалдаги кодексдан афзалликлари, солиқ мажбуриятларини бажариш, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, солиқ солишининг соддалаштирилган тартибига оид мавзуларда маърузалар тингланди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Уза материаллари асосида тайёрланди.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 30 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1151,05	1 Малайзия ринггити	380,72
1 Англия фунт стерлинги	2620,72	1 Польша злотийси	500,70
1 Дания кронаси	245,37	1 СДР	2001,13
1 БАА дирҳами	348,80	1 Туркия лираси	1060,58
1 АҚШ доллари	1280,65	1 Швейцария франки	1095,23
1 Миср фунти	232,17	1 ЕВРО	1828,64
1 Исландия кронаси	21,12	10 Жанубий Корея вони	13,98
1 Канада доллари	1322,03	10 Япония иенаси	111,99
1 Хитой юани	170,86	1 Россия рубли	51,52
		1 Украина гривнаси	253,59

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	31.10.2007	1	0,8492	1	1,226	1	0,0344
Арманистон	31.10.2007	1	325,09	1	468,36	1	13,15
Беларусь	1.11.2007	1	2151	1	3104,65	1	87,18
Грузия	1.11.2007	1	1,6224	1	2,3436	1	0,0658
Қозғистон	1.11.2007	1	120,89	1	174,65	1	4,9
Латвия	1.11.2007	1	0,487	1	0,702804	1	0,0197
Литва	5.11.2007	1	2,3902	1	3,4528	10	9,6863
Молдова	31.10.2007	1	11,4721	1	16,5102	1	0,4639
Тожикистон	1.11.2007	1	3,4466	1	4,9655	10	1,3969
Ўзбекистон	30.10.2007	1	1280,65	1	1828,64	1	51,52
Украина	31.10.2007	100	505	100	727,5535	10	2,0426
Эстония	31.10.2007	1	10,8431	1	15,6466	1	0,43917


Манба: www.prime-tass.ru

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА

2007 йил 30 октябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1289,00	1294,00	1829,00	1849,00
"Асака" банки	1289,00	1294,00	1829,00	1834,00
"Ўзсаноатқурилишбанки"	1288,00	1293,00	1830,00	1840,00
"Пахтабанк"	1288,00	1293,00	1840,00	1846,00
"Халқ банк"и	1289,00	1294,00	1829,00	1840,00
"Ипотека-банк"	1288,00	1293,00	1830,00	1835,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1288,00	1289,00	1855,00	1857,00
"UzKDBбанк"	1290,00	1294,00	1828,00	1855,00
"Галлабанк"	1289,00	1294,00	1829,00	1838,00
"Трастбанк"	1288,00	1293,00	1830,00	1840,00
"Алп Жамол банк"	1289,00	1294,00	1840,00	1848,00
"Алоқабанк"	1289,00	1294,00	1830,00	1857,00
"Туронбанк"	1289,00	1294,00	1829,00	1839,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1290,00	1294,00	1830,00	1860,00
"Ипак йўли" банки	1290,00	1294,00	1841,99	1847,70
"Микрокредитбанк"	1289,00	1294,00	1841,00	1848,00
"Туркистон" банк	1288,00	1290,00	1820,00	1860,00
"Даврбанк"	1288,00	1294,00	1828,00	1838,00
"Кредит-Стандарт" банки	1289,00	1294,00	1829,00	1855,00
"Капитал банк"	1290,00	1294,00	1828,70	1850,00
"Содерат банк"	1288,00	1294,00	1829,00	1879,00
"Ҳамкор банк"	1288,00	1294,00	1800,00	1850,00
"Универсалбанк"	1288,00	1294,00	1836,00	1844,00
"Парвинабанк"	1288,00	1291,00	1830,00	1833,00
"Равнақбанк"	1288,00	1294,00	1829,00	1849,00

"Банк ахборотномаси", N 44 (599) 2007 йил 31 октябрь.



ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

КОМПЬЮТЕР БУХГАЛТЕРЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚАНДАЙ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ? БУХГАЛТЕРИЯНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИХАТЛАРИ, СИЗНИНГЧА, НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?



• Микрофирма бош бухгалтери Татяна:

– Менинг назаримда, ягона солиқ тўлови тўловчи микрофирмада ишлаётган бухгалтерда компьютер бўлиши шарт эмас. Чунки бизда кўп ҳужжат айланмайди. Ҳисоботларни йилнинг чорагида бир марта қўлда ёзиш қийин эмас. Компьютер, принтер олиш, унга керакли материаллар топиш, «1С:Бухгалтерия» дастурини ўрнатиш харажати анчагина катта ва бизда ўзини оқламайди ҳам. Кўпгина микрофирмаларда компьютер у ёқда турсин, факс ҳам йўқ.

Ҳап аслида бошқа ёқда. Солиқ тўловчилар молиявий ҳисобот ва ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда тақдим этиши амалиётидаги янгиликлар муносабати билан ҳозир бухгалтерларда кўплаб саволлар бўлса керак.

Назаримда, микрофирмаларга бундай электрон ҳужжат айланиши иштирокчиси бўлиш қулай эмас. Улар асосан ижарачи, демек телефондан ҳам (агар у бўлса) баъзан ижара йўсинида фойдаланишларига тўғри келади. Шу сабабли Интернет тармоғига уланишнинг ҳам кўпинча иложи бўлмайди. Провайдерларимиз томонидан интернет-хизмат кўрсатилиши хусусида гапирмасам ҳам бўлади: бундай хизматдан унча-мунча фирманинг фойдаланишга чоғи келмайди. Бундан ташқари вирус ҳам борлиги, электрон усулдан фойдаланилганда у юзга чиқиши мумкинлиги инobatга олинса, бухгалтернинг интернет-кафе орқали электрон почта юбориши маънисини йўқолади. Қолаверса, компьютер бузилиб, алоқа узилиб қолиши мумкин, баъзан идорада электр ўчиши ҳоллари ҳам бўлиб туради. Ҳисоботни вақтида жўнатишга шу зайл кафолат бериш қийин. Ўз вақтида ҳисобот тақдим этилмаса, ДСИ жарима солади.

• Бохона хизматлари соҳаси бош бухгалтери Светлана:

– Компьютер ҳар қандай фирма ёки корхона фаолиятида, шак-шубҳасиз, муҳим роль ўйнайди. У бухгалтерларнинг ишини энгиллаштирилади, уларнинг сермашаққат меҳнат жараёнига мақбуллик бахш этади.

Мен, масалан, «1С:Бухгалтерия» дастуридан фойдаланаман. У маълумотларни киритиш учун кетадиган вақтни анчагина тежайди, бир вақтнинг ўзида бир неча миждоз билан иш олиб боришда қатор афзаллик жиҳатлари бор. Унга шунчалик ўрганиб қолганманки, ҳозир бухгалтерия ишларини қўлда ёзиб бажариш ниҳоятда машаққатли туюлади. Тўғри, шахсан менга бундай қилишга тўғри келмаган – ишга кириб ўз вазифамни бажаришга киришганимда компьютерни ўзлаштириш зарурати кўндаланг бўлган. Айтиш жоизки, бизнинг соҳада компьютер ўзини тўла-тўқис оқламоқда. Бундан ташқари бизда «Банк-Мижоз» тизими ҳам ўрнатишган, ундан ҳам фойдаланиб тураман.

Компьютерда ишлашнинг инсон соғлиғига салбий таъсири бор дейишди: кун бўйи мук тушиб монитор олдида ўтиришга тўғри келади, ахир. На илож, ҳозирги жамики бухгалтерия иши амалда компьютер билан чамбарчас боғлиқ-ку...

• Ишлаб чиқариш корхонаси бухгалтери Иброҳим:

– Мени кечиринг-ку, сизлар берган савол одамга негадир эриш туюлди. Негаки, бугунги кунда компьютерсиз идорани тасаввур қилиш ҳам қийин. Бухгалтерлар ва бошқа кўпгина ходимларнинг иши компьютерсиз битмайди. Бу техника ҳаёти-мизга шунчалар кириб кетдики, мабодо компьютерсиз ишлашга

тўғри келадиган бўлса, кўпчилик нима қилишни билмай доврираб қолиши турган гап.

Ҳозир ёшман, шу сабабли компьютерни, унга ўрнатилган дастурларни ёши каттароқ хизматдошларимга қараганда эгаллаб олишим осонроқ. Компьютерда ишлаш ўзимга жуда ёқади. Кўнглимга ўтиришмаётган бирдан-бир нарса статистика органлари ва солиқ инспекциясига ҳисоботларни бухгалтернинг ўзи топшириши кераклигидир. Эшитишимча, уларни электрон йўл билан жўнатиш амалиётига ўтилаётган экан. Бунда ҳам қандайдир муаммоли масалалар бор дейишяпти.

Умуман олганда, менга компьютерлаштириш жуда суст бораётгандек туюлади. Афсус, тараққиёт компьютердан фойдаланишда эканлиги шундоққина кўриниб турибди-ку, ахир?!

• Кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи корхона бош бухгалтери Ирина Викторевна:

– Компьютернинг бухгалтериядаги роли жуда муҳим. Менимча, бу мавзудан ҳаммага фойда. Кўпгина бухгалтерлар компьютерга шунчалик қаттиқ боғланиб қолганларки, компьютерда ишлашга шунчалик одатлашиб кетганларки, бланкаларни, ҳисоботларни ва бошқа ҳужжатларни қўлда ёзиб тўлдиришга тўғри келса, оддийгина жойларда ҳам хатога йўл қўядилар. Буни компьютерлаштиришнинг салбий хусусиятига йўйиш мумкин. Тўғри, инсоннинг изми, буйруғи билан айрим компьютер дастурлари ҳисоб-китоб қилади, қайта ҳисоб-китоб қилиш ишларини ўтказиш, фаолиятнинг у ёки бу соҳасида ёрдам беради. Аммо баъзан бухгалтер ўзидаги мавжуд маълумотлар билан муайян операцияларни ўзи қилиши зарур эканлигини унутиб ҳам қўймоқда. Бу даражада одатланиб қолишга йўл қўймаслик керак. Қутилмаганда идорангизда бир сутка электр бўлмаса ёки компьютер бузилиб қолса-чи? Ишни шундай кезларда ташлаб қўйиб бўлармиди?..

Мен бухгалтерия компьютерлаштирилиши тарафдориман. Чунки бу иш ҳисоботлар тузиш ва солиқларни ҳисоблаб чиқаришда вақтдан ютишга олиб келади. Чунончи, биз «1С:Бухгалтерия» тизимидан фойдаланамиз. У билан шахсан ўзим шуғулланаман, ҳатто шу тизимда дастур яратиш ҳам қўлимдан келади. Шу боис ҳисоботни янги шаклда тузишга ортиқча куч сарфламайман, бу ишни осонгина амалга ошираман.

• Уяли алоқа хизматлари соҳаси бош бухгалтери Татьяна Ивановна:

– Бу масалада том маънода салбий жиҳат йўқ. Компьютер машина сингари инсон меҳнатини энгиллаштиришга мўлжалланган. Компьютердан фойдаланиш бухгалтерларни кўпгина ташвишлардан холи этди, вазифамизни анчагина энгиллаштирди. Пировард натижада унинг шарофати билан молиявий жиҳатдан ютиш мумкин, бошқа кўпгина жиҳатлардан ҳам у фойда келтиради. У айниқса бизга қўл келмоқда. Ходимлар ҳам, миждозлар ҳам бизда замонавий алоқа воситалари соҳасининг илғор ютуқларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Компьютернинг дастурий таъминоти келганда шуни айтиш керакки, биз заруратга қараб дастурчиларимиз олдида вазифалар қўямиз. Бизда дастурлаштириш тилини ва бухгалтерия ҳисобини яхши биладиган мутахассислар ишлайди, шу сабабли фирмамиз бухгалтерияси ишда сира қийинчилик сезмайди. Мабодо янги дастурни ишлаб чиқишда улар ечим топа олмай қолишса, компания фаолият соҳасини инobatга олган

ҳолда мен ва бухгалтериямизнинг бошқа ходимлари уларга бажони-дил ёрдам берамиз.

• Матбаа хизматлари кўрсатиш соҳаси бош бухгалтери Людмила Михайловна:

– Компьютердан фойдаланишнинг яхши жиҳатлари кўп. Биринчидан, у бухгалтернинг ишини анчагина осонлаштиради, иккинчидан, айрим ҳисоб-китоблар ва бошқа бош қотириладиган ишларга кетадиган вақт тежаллади. Керакли ахборотни тезгина оласан, солиқларни тезгина ҳисоблаб чиқасан, кимлар сенга дебитор-у, кимлар кредитор бўлади, ҳамиша аниқ биласан, бутун молиявий таҳлилни олдиндан қилиб қўйишнинг ҳам мумкин. Шу сабабли ҳозир компьютерсиз ишлаб бўлмайди деб ўйлайман. Одам унга шунчалар кўникиб кетганки...

Бундан ташқари ўз уйида ҳам компьютерда ишлайдиган бухгалтерларни биламан: шу йўл билан улар «уй вазифалари»ни бажардилар. Бу фирма раҳбариятига ҳам маъқул. Ходим куннинг ярмини идорада, қолганини эса уйида ўтказиш. Бошқача қилиб айтганда, бир вақтнинг ўзида ҳам касбига доир, ҳам шахсий вазифаларини ҳал этади.

Салбий жиҳати, менга қолса, йўқ. Компьютер олдида узок ишлашдан баъзан кўз толиқади, холос. Аммо компьютер ёрдамида қўлга киритилган бўш вақтдан дам олиш учун фойдаланиш мумкин: деразадан ўтган-кетганларни томоша қилиш, ўз жойингда кўзингни юмиб ўтириб, бирозгина ҳордиқ чиқаришнинг мумкин. Шундан кейин янги куч билан ишни давом эттирсан бўлади. Хуллас, салбий жиҳати қараганда унинг ижобий жиҳатлари жуда кўп.

• Дастурий таъминот билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор Ольга Ивановна:

– Якка тартибдаги тадбиркор сифатида бутун фаолиятим айна компьютер техникаси билан боғлиқ, шу боис берилган савол менга жуда ёқди.

Ҳозир ҳамма жойда, айниқса бухгалтерияда компьютердан фойдаланмасдан туриб ишлаш қийин. Бланкаларни тузиш, қоғозда босиб чиқариш, кўпайтиришда унинг ўрни бўлак. Бу ҳам ўз йўлига жуда муҳим. Аммо ҳисоб-китобни чиқариш, солиштириш, солиқларни ҳисоблашда компьютернинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Баъзилар, айниқса ёшлар компьютерсиз амалда ҳеч нарсани ҳисоблаб олмасликларини эса жузъий қусур деса бўлади. Ёшгина қизлар келиб компьютер ёрдамида иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришни кўрсатиб беришимни сўрасалар, уларга компьютерни батамом эсдан чиқариб, бошламасига қўлга қалам олиб, ҳаммасини қўлда ёзиб ҳисоблаб чиқишни маслаҳат бераман. Чунки ҳар қандай бухгалтер жадваллар туза билиши, ўз касбининг асосларини пухта ўзлаштирган бўлиши лозим. Зотан, дастурий кодга хатолик кириб қолган бўлса, у ёки бу сумма қандай ҳисоблаб чиқарилишини биладиган одамгина дастур ишини текшира олади. Компьютер, айтишлик, ўша иш ҳақини тўғри ҳисоблаб чиқарганми-йўқми, хатоликка йўл қўйилмаганми деб бош қотириб ўтирмайди ҳам.

Компьютерлаштиришдаги энг катта камчилик одамлар ниманидир ўз қўлларимиз билан қилишимиз керак деган фикрдан тамомилла йи-

роқлашиб қолаётганлигидир.

Шахсий компьютердан фойдаланувчилар кўпинча компьютернинг соғлиққа зарари бор деб нолиб қўйишади. Мен бу соҳада ишни 1973 йили бошлаганман, шу кунга қадар ишлаб келмоқдаман. Катта бир хонани эгаллайдиган улкан электрон ҳисоблаш машиналарига ҳам дастур яратганмиз. Кейинроқ стол устига қўйиладиган «Правец» русумли ва бошқа хил компьютерлар билан иш олиб бордик. Болаларим компьютернинг олдида вояга етдилар деса бўлади. Уларнинг соғлиғи жойида, ҳеч қанақа зарар етганлигини кузатмаганман. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг, монитор олдида узок ўтириб қолганликдан компьютерчининг кўзи ёки белида оғриқ пайдо бўлган бўлса, компьютерда нима айб? Бухгалтер чўт қоқиб узок ўтириб қолса, умуман ҳар қандай одам муайян бир ҳолатда қимир этмай ишласа, кўзига зўр келади, оғриқ сезади, албатта.

• Тикувчилик корхонаси бош бухгалтери Динара Дамировна:

– Бугунги кунда бухгалтерия ишини амалда компьютерсиз юришиб бўлмайди. Бухгалтерия ҳисоби учун мўлжалланган амалий дастурларсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди ҳам. Бундай дастурларни ўзлаштириш осон эмас, шу сабабли бир пайтлар ана шундай дастурларни корхонанинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда яратадиган мутахассисларга буюртма беришга тўғри келарди. Энди бу масалани ҳал этиш бирмунча осон. Дастурий таъминотни буюртмачи талаби асосида қайта «созлаш» мумкин. Бизда ҳам шундай дастур бор, у яхши ишламоқда, барчанинг ундан кўнгли тўқ.

Компьютерлаштиришнинг афзаллик жиҳатлари оз эмас. Масалан, компьютерда ишлаш ҳисобига бухгалтернинг меҳнат унумдорлиги анчагина ошади. Қайси ишда камчилик йўқ, дейсиз, бунда ҳам топилади. Илгарилари мен бир вақтнинг ўзида бешта фирманинг бухгалтериясини юритардим. Компьютер ёрдамисиз, албатта. Ўша кезлари кўзларим ҳозиргига қараганда камроқ толиқарди. Эндиликда бухгалтерияга оид вазифаларимни тезгина бажараман-у, қўл остида ишлайдиганларга, бошқа ходимларга ёрдам бераман. Бу ҳам қизиқарли, ҳам кўнглидир.

• Дастурий таъминот соҳасида фаолият юритувчи Алевтина:

– Шахсий компьютердан фойдаланиш асносида ягона ҳисоблаш тизими таркиб топадики, бу тизимда бир вақтнинг ўзида бир неча ходим ишлаши мумкин. Шу зайл меҳнат жараёнининг ўзига сарфланадиган вақт анчагина қисқаради, бажариладиган иш ҳажми ортади.

Компьютерда ишлаш туфайли қатор ижобий натижаларга эришмоқдамиз. Фақат тизимда носозлик содир бўлганда маълумотлар базасидаги баъзи маълумотларнинг йўқолиб, ўчиб кетиши ёмон. Лекин бунақаси кам учрайди. Шуни қатъият билан айтиш мумкинки, бу масалада салбий жиҳатларга қараганда ижобий жиҳатлар анчагина кўпдир.

• Улгуржи савдо соҳасидаги бухгалтер Элеонора Константиновна:

– Замонавий бухгалтерияда компьютер етакчи мавқени эгаллаб турибди. Буни ҳисоботларни чиқариш, балансни, турли ҳисоб-китобларни яқунлаш мисолида далиллаш мумкин. Эндиликда бу ишлар анчагина тезкорлик билан бажарилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Мен «1С:Предприятие» тизими билан ишлайман. Илгарилари компьютерсиз, хусусан мазкур дастурсиз

корхоналар қандай ишлаганлигини сира тасаввур қила олмайман. Барча асосий бланкалар ва бошқа ҳужжатлар мазкур тизимга киритилган бўлиб, уларни тўлдирилган ҳолда олиш учун босиб чиқариш хусусида компьютер клавишини босиб буйруқ қилишнинг ўзи кифоя. Ҳаммаси шундай жўн, шундай қулайки! Ана шу дастур ўрнатилган компьютердан ҳар қанча айланиб-ўргилсанг арзийди. Бундан ташқари ўзимга керакли файлдан нусха кўчириб, ишда улгурмаган нарсаларни уйимда бемалол давом эттиришим ҳам мумкин.

Компьютерда ишлашни, шунингдек муайян дастур билан иш олиб боришни ўрганиш бошқа ҳар қандай ишда бўлгани каби осон эмас. Аммо асосий кўникмалар орттириш, иш анчагина тезлашиб кетади, ҳар кунги мажбуриятлар ҳам илгаригидек оғир туюлмайди. Компьютернинг электр таъминотида боғлиқлиги чатоқ, холос. Бизда электр тез-тез ўчиб турмайди, шундай бўлса-да, электрсиз ўтган онларда одам қўлоёғи боғлангандек ҳис этади ўзини.

• Тиббиёт воситалари савдоси соҳасидаги бош бухгалтер Галина Юрьевна:

– Бу масаланинг яхши жиҳатлари бир талай. Энг аввало, компьютер бухгалтернинг меҳнатини анчагина энгиллаштирганлигини айтиш керак. Чоғроқ фирмада балансни қўлда ёзиб ҳисоблаш унча қийин эмас. Аммо йирик корхона ва корпорацияларда компьютерсиз, локал компьютер тармоқларсиз, шунингдек энг янги ахборот технологияларисиз бир иш қилиш қийин.


Институтда ўқиган кезларимиз келажақ ахборот технологиялариники деб кўп ўғит беришганлиги учун ҳам бу масала билан мунтазам шуғулланиб келганман, компьютерни ўзлаштиришим ҳам осон кечган. «1С» комплекс дастури билан ишлаганимда ҳам муаммо бўлмади.

Бу ишнинг соя соладиган томони ҳам йўқ эмас. Айтишлик, кимдир компьютерни мустақил тарзда ўрганишни хоҳлаб қолса, ҳар хил тугмачаларни босиб кўради, оқибати нима бўлишини ўйламайди ҳам. Компьютерда ўзбошимчилик билан савдохонлики чиқариш йўлидаги бундай уринишлар ой охирида, ҳисоботни яқунлаб чиқариш керак бўлганда панд беради. Йўқотиб юборилган файлларни топиб тиклаш, баъзан янгитдан киритиш керак бўлади. Бунга озмунча вақт ва асаб кетмайди, албатта. Компьютернинг соғлиққа, кўзга таъсири ҳақидаги гапларда ҳам жон бор.

• Технологик жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими корхонаси директори Владимир Евгеньевич:

– Амалга оширилаётган операцияларда тезлик таъминлигини, олинган маълумотларнинг аниқ ва тўғри бўлишини компьютерда ишлашнинг ижобий фазилатлари жумласига киритган бўлардим. Ишдан кейин кўзда қаттиқ оғриқ сезиш, компьютерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ноқулай эканлигини салбий жиҳатларга киритса бўлади. Бошқа жойда, айтишлик, уйда ишлаш зарурати тугилиб қолса, компьютерни ўзинг билан олиб юришинг қийин. Ҳозирги кунда ҳаммада ҳам ноутбук ва лэптоплар бор деб бўлмайди. Ахборотларни уларни олиб юришга мўлжалланган воситаларда, жумладан флэш-картада олиб юришни ҳам қулай деб ҳисобламайман. Ахборотни шу йўл билан гоҳ у, гоҳ бу ерга киритиш ҳам серташвиш иш. Бу орада файлга вирус юктириб олиш ҳам ҳеч гап эмас.

Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.



КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

БУХГАЛТЕРИЯГА ОИД ИНТЕРНЕТ-САЙТЛАРДАН ОЛИНГАН АХБОРОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНАСИЗМИ? АГАР ФОЙДАЛОНАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ, КЎПРОҚ ҚАЙСИ САЙТЛАРГА КИРАСИЗ? БУ САЙТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УЛАРДАГИ АХБОРОТЛАР ҲАҚИДА ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Жавобларингизни 144-44-45 факси ёки normapress@mail.ru электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Газетхонларимизда энг катта қизиқиш уйғотган савол йўллаганликларини учун сўровимиз иштирокчилари таҳририятнинг махсус соврини билан тақдирланадилар. Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.

РЕГИОН ТАРИФ РЕЖАСИ

Расмий ҳамкор:
ASIA INSHURANS
Сугурта компанияси

СИЗГА МАЪҚУЛ КЕЛАДИ БИЗНИНГ ПАСТ



2000 ДАҚИҚА - АТИГИ \$35!

Тел.: (8598) 305-1111 www.cdma.uz

Нархлар ЎзРМБнинг АҚШ долларига нисбатан қўйматида кўрсатилган. Барча солиқлар ҳисобга олинган.
Хизматлар лицензияга эга. Батафсил маълумот - компания офисларида.

PerfectumMobile
CDMA — Dreams Come True!

Region Design
ISO 9001:2000

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ЎСИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармони («СБХ»нинг 43 (691)-сонида чоп этилган) билан 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилади.

Республика ҳудудида энг кам: иш ҳақи миқдори – 18 630 сўм; ёшга доир пенсиялар – 36 900 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – 18 630 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – 36 900 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа 22 350 сўм миқдоридан белгиланди.

БИРЖА САВДОСИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 октябрдаги 222-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» қарорига ўзгартиришлар киритилди.

Уларга кўра Республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тугатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати ва Махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхатига кирадиган маҳсулотлар бўйича биржа битишувлари сотувчи ва харидор томонидан тегишли равишда биржа савдосига қўйилган товар умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 10 фоизига (аввал 2 фоиз эди) миқдорда гаров таъминоти тўланган ҳолда, ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоб-клиринг палатаси орқали ўтказиб амалга оширилади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ: ЯНГИ ШАКЛЛАР

Мамлакатимизда мактабгача таълимни йўлга қўйишда катта аҳамиятга эга бўлган кўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди (Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарори, «Норма маслаҳатчи»да чоп этилади):

– **Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низом;**

– **Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низом;**

– **Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисидаги низом.**

Биринчи икки ҳужжатга мувофиқ мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади. Уларнинг олдига қўйилган асосий вазифаларга болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш; боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш ва болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш кирди.

Мактабгача муассасалар ўз ишининг ўзига хослиги мувофиқ кўйидаги турларга бўлинади: умумий турдаги мактабгача таълим муассасаси; ихтисослаштирилган (жисмоний ёки руҳий ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд бўлган болалар учун); санаторий туридаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга эга бўлган болалар учун). Мактабгача таълим муассасаларига болалар 2 ёшдан бошлаб 6-7 ёшгача тегишли тиббиёт хулосаси ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади (давлат муассасаларига – халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги қабул комиссияси томонидан).

Мактабгача таълим муассасасида ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан бошланиб, кейинги йилнинг 1 июнида тугалланади. Янги ўқув йили бошлангунга қадар соғломлаштириш даври бошланади.

Давлат мактабгача таълим муассасасидаги таълим дунёвий хусусиятга эга.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда лицензия олган вақтдан бошлаб таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисида низомга мувофиқ (мактабгача ёшдаги болалар мазкур гуруҳда 4-5 соат давомида бўладилар), улар мактабгача муассасаларга қатнамайдиган болаларни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш ва уларни мактаб таълимига тайёрлаш мақсадида мактабгача муассасалар негизда ташкил этилади. Мазкур муассасаларда кўйидаги турдаги гуруҳлар: «Ривожлантириш гуруҳи» – 3 ёшдан 7 ёшгача, «Бўлғуси ўқувчи» гуруҳи – 5 ёшдан 6 ёшгача, «Интеграциялашган гуруҳ» – 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун, гуруҳда соғлом болалар билан биргаликда, шунингдек «Руҳий ривожланиши суст» ташхисли болалар ҳам қатнашади, «Муаммоли бола» – 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

Қисқа муддатли гуруҳларга болаларни қабул қилиш ота-оналар аризаси, боланинг соғлиги тўғрисидаги тиббий хулоса асосида амалга оширилади. Гуруҳларни тўлдиришда танлов асосида ҳамда тест синови бўйича қабул қилишга йўл қўйилмайди.

КАСБГА ЛАЁҚАТНИ БАҲОЛАШ

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 227-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аттестация комиссиясининг шахсий таркиби Президент қарори билан тасдиқланади.

Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири – соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбар ходимларини ҳар йили аттестациядан ўтказиб туриш, жумладан, уларнинг касбий тайёргарлик ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига муносиблигини баҳолаш.

Соғлиқни сақлаш тизимининг аттестациядан ўтказиладиган раҳбар ходимлари лавозимлари рўйхатида (мазкур Низомга илова) белгиланган шахслар аттестациядан ҳар йили ўтказилади. Тегишли лавозимда бир йилдан кам ишлаган шахслар, ҳомиладор аёллар, шунингдек болани уч ёшгача парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар аттестациядан ўтказилмайди.

Аттестация ўтказилиши тўғрисидаги буйруқ унинг ўтказилиш кунидан камида 10 кун олдин аттестациядан ўтказилувчиларга етказилади.

Аттестациядан ўтказиш талаблари кўйидагилар тўғрисидаги ҳолисона баҳони ўз ичига олади: раҳбарларнинг касбий сифатлари, улар фаолиятининг якуний натижалари, улар томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатига нисбатан талабларнинг таъминланиши, фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва улар фаолиятининг бошқа қирралари. Аттестация ўтказиш давомида аттестациянинг стенограммаси ёки аудио-видео ёзуви юритилади ва унинг натижалари муҳофаза қилинади.

Ходимнинг касбий сифатларини баҳолаш тўғрисидаги қарор, шунингдек аттестация комиссиясининг тавсиялари аттестациядан ўтказилувчининг иштирокисиз қабул қилинади, унинг натижалари эса комиссия мажлиси тугаши билан оқ эълон қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

ДИПЛОМ ЛИЦЕНЗИЯНИНГ ЎРНИНИ БОСА ОЛМАЙДИ

Йўловчилар ва юкларни автомобиль

транспортда ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортда ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритилди (Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг буйруғи, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 1626-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Махсус ўқув курсларида Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тасдиқлаган дастур бўйича ўқитиб, малакавий имтиҳон топширилганидан кейин бериладиган касбга лаёқат тўғрисида ҳужжатга эга бўлган тақдирда тегишли малакани тасдиқлаш учун аттестациядан ўтиш талаб қилинмайдиган меъёр чиқариб ташланди.

Автомобиль йўналишида олий ёки ўрта махсус маълумот тўғрисида дипломнинг кўчирма нусхаси ва аттестациядан ўтганлик тўғрисида хулоса ёки малакавий имтиҳон топширилганидан кейин бериладиган касбга лаёқат тўғрисида ҳужжатнинг кўчирма нусхаси энди лицензия талаблари ва шартларига мувофиқликнинг тасдиғи ҳамда лицензия олиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Ҳужжат 2007 йил 30 октябрдан кучга кирди.

ДАВЛАТ НАРХДАГИ ФАРҚЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛАДИ

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори билан Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низом тасдиқланди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 1729-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Низом давлат эҳтиёжлари учун дон харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш фаолиятини амалга оширувчи, «Ўздон-маҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи барча хўжалик юритувчи субъектларга, жумладан дон қабул қилиш корхоналари, элеваторлар, тегирмонлар, ёрма, омихта ем ва уруғни қайта ишлаш корхоналари ва бошқа дон маҳсулотлари корхоналарига татбиқ этилади.

Низомга мувофиқ Молия вазирлиги дон экинларининг прејскурантдаги харид нархини тасдиқлаб, белгилайди ва дон экинларининг ўртача харид нархидан ва қайта ишлаш корхоналарининг харажатларидан келиб чиқиб дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг эркин улгуржи сотиш нархини ва давлат ресурсидаги уннинг улгуржи сотиш ҳамда ундан пишириладиган қолипчи нон чакана нархининг чегараланган даражаларини белгилайди.

Ҳужжат 2007 йил 30 октябрдан кучга кирди.

РЕЦЕПТСИЗ СОТИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати тасдиқланди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 1730-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Рўйхатдан 1014 номланишдаги турли дори воситалари жой олган. Дори воситалари ўрамлари, қўллаш бўйича йўриқномалари, илова варақаларда кўрсатилган бериш тартибидан қатъи назар, уларни беришда мазкур рўйхатга амал қилиниши керак.

2007 йил 30 октябрдан кучга кирди.

ЛОЙИҲАЛАР КЕЛИШИЛИШИ ШАРТ

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг «Истеъмолчи объектлари электр таъминоти

лоийҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруғи чиқарилди (АВ томонидан 2007 йил 20 октябрда 1731-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Низомда электр таъминоти лойиҳаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш борасидаги келишувини ўтказиш истеъмолчиларнинг янгидан ишга тушираётган ва реконструкция қилиниб, электр таъминоти ташкилотининг тармоқларига уланаётган объектлари, технологиялари ва усуналари учун мажбурийлиги белгиланган. Лойиҳалар «Ўздавэнегрозорат» инспекцияси ҳамда унинг худудий бўлимлари билан келишилади. Фаолияти электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган янгидан ишга тушириладиган ва реконструкция қилинаётган объектлар эса ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари бўйича барпо этилиши керак.

Объектларнинг электр таъминоти лойиҳаларини ишлаб чиқиш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ва Исчиклик энергиясидан фойдаланиш қоидалари, шунингдек қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг электр таъминоти тааллуқли қисми талабларини ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларини эътиборга олган ҳолда бажарилиши лозим.

«Ўздавэнегрозорат» ёки унинг худудий бўлимлари томонидан истеъмолчи объектларининг электр таъминоти лойиҳалари келишуви ўтказилганидан сўнг уларга хулоса берилди.

«Ўздавэнегрозорат» билан келишувдан ўтказилмайдиган, қуввати 10 киловаттгача бўлган объектларнинг электр таъминоти лойиҳалари бундан мустасно.

2007 йил 30 октябрдан кучга кирди.

ҚОИДАЛАР БҲИЙИЧА БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ

2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли Маҳсулот тақсимотида оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидалари тасдиқланди (Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг қўшма қарори, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 22 октябрда 1732-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Тасдиқланган Қоидаларга мувофиқ, Битим иштирокчилари томонидан олиб кириладиган товарларнинг, шунингдек олиб чиқилаётган қайтариладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви Қоидалар билан белгиланган хусусиятларни инобатга олиб, божлар, солиқ ва йиғимлар (божхона расмийлаштируви учун олинмайдиган йиғимдан ташқари) ундирилмаган ҳолда амалга оширилади. Чунончи, МТБ иштирокчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб кириладиган/олиб чиқиладиган товарларнинг ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирокчига берилган кодга асосан юритилади.

МТБда назарда тутилган нефть-газ операцияларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида бажаришни ташкил қилиш учун таъсис этилган юридик шахслар томонидан харид қилинадиган ва ушбу худуддан ташқарига олиб чиқилмасдан фойдаланиш учун мўлжалланган товарлар учун божхона расмийлаштируви амалга оширилмаслиги белгиланган.

Қарор 2007 йил 1 ноябрдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2007 йил 20 октябрдан 26 октябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 43-сони асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.podma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**
– «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастури тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**
– «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
 - ЎзР ДСҚнинг «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
 - Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг «Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;
 - ЎзР МАИМКВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, ИВ, ССВнинг «Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2008 ЙИЛГИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 41-42-сон, 418-модда)

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда республика иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:
давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2008 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 3-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2008 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 4-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2008 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ҳамда Ислом тараққиёт банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан 2008 йилда қуриладиган умумтаълим мактабларининг аниқ манзилли рўйхати 5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ;

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда амал-

га ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 6-иловага* мувофиқ;

корхоналарнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича 2008 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли қурилишлари рўйхати 7-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2008 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 8-иловага* мувофиқ.

3. Қуйидагилар маъқуллансин:
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2008 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 9-иловага* мувофиқ;

хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан касб-хунар коллежлари қурилишининг 2008 йилги аниқ манзилли рўйхати 10-иловага* мувофиқ;

устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати 11-иловага* мувофиқ.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, буюртмачи вазирликлар ва идоралар:

ўн кун муддатда давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси ва Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2008 йилги қурилишларнинг дастлабки аниқ манзилли рўйхатини, 2007 йилнинг 1 ноябригача бўлган муддатда эса 2008 йилги қурилишларнинг маромига етказилган узил-кесил аниқ манзилли рўйхатини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

*1-11-иловалар берилмайди.

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ
ОРГТЕХНИКА

T&T

171-00-57, 142-65-50

www.texnika.uz

info@texnika.uz

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда 2008 йилда қурилиши янги бошланадиган умумтаълим мактаблари, касб-хунари коллежлари ва академик лицейлар объектлари бўйича — 2007 йилнинг 20 октябрига, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича эса 2007 йилнинг 25 октябрига танлов савдоларини ўтказишни таъминласин;

2007 йилнинг 1 ноябрига пудратчи ташкилотлар билан биргаликда, белгиланган тартибда, йилдан-йилга ўтказиладиган объектларнинг 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ нархини қайта ҳисоб-китоб қилсин;

2007 йилнинг 1 декабрига корхоналарнинг шахсий маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2008 йилги лойиҳаларни амалга оширишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган тармоқли жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этсин;

танлов савдоларининг натижалари тасдиқлангандан сўнг ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкларга молиялашни очиш мақсадида тақдим қилиш учун янгидан бошланадиган объектлар бўйича пудрат шартномалари тузилишини таъминласин ва қурилишларнинг титул рўйхатларини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тақдим этилгандан сўнг, икки ҳафта муддатда давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси ва Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2008 йилги қурилишларнинг узил-кесил аниқ манзилли рўйхатларини келишиб олсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда минтақавий инвестиция дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзинфоинвест» агентлиги 11-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари билан биргаликда устувор инвестиция таклифлари бўйича уларни сифатли тайёрлаш ва хорижий инвесторларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этсин.

Вазирликлар ва идоралар — халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг қарз маблағларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг буюртмачилари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вакил банклар билан биргаликда қарз битимларининг кучга кириши бўйича чора-тадбирларни 2008 йилнинг 1 январига етказсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил якунлари бўйича 2007 йилги Инвестиция дастурининг амалга оширилиши натижаларини танқидий кўриб чиқсин, зарурат туғилганда 2008 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрларига тегишли аниқликларни киритсин.

9. Хорижий сармоялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қўшма тақдимномаси бўйича 2008 йил мобайнида тасдиқланган Инвестиция дастурининг умумий параметрлари доирасида инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастурига ва айрим буюртмачилар бўйича капитал маблағлар лимитларига аниқликлар киритиш, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини йиғма рўйхатдан дастурнинг аниқ манзилли қисмига ёки аниқ манзилли қисмидан йиғма рўйхатга ўтказиш ҳуқуқи;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўтказилган танлов савдолари ҳамда айрим қурилишлар ва объектлар бўйича маблағларни амалда ўзлаштириш натижаларига кўра тасдиқланган лимитлар доирасида буюртмачилар қурилишларининг аниқ манзилли рўйхатига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати, шаҳар қурилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоида ва стандартларига инвестиция лойиҳалари амалга ошириладиган бутун давр мобайнида риоя этилиши устидан назоратни амалга оширсин;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартнома мажбуриятлари ижроси мониторинги, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишини таъминласин.

2008 йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича мониторинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган капитал қурилишда нархларнинг шакллантирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Н.М.Ханов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 9 октябрь
ПҚ-704-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 41-42-сон, 419-модда)

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2008 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситасини бошқариш пайтида ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиш, шунингдек транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан теле-, видеомонитор ўрнатиш тақиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ички

ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги: ўн кун муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин;

ушбу қарор талабларининг транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳамда аҳоли эътиборига, улар ўртасида зарур тушунтириш ишлари олиб борган ҳолда, белгиланган тартибда етказилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 3.6-бандига қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

а) тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин: «транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиш»;

б) қўйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қўшилсин:

«транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан приборлар панелига, қуёш соябонига ва орқа томонни кўриш кўзгусига теле-, видеомониторлар ўрнатиш».

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 16 октябрь
216-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРГА ПЕНЯ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 октябрда 1724-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 41-42-сон, 422-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.ПАРПИЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь
2007-54-сон.

***2007 йил 19 октябрдан кучга киради.**

Давлат солиқ қўмитасининг
2007 йил 11 сентябрдаги 2007-54-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРГА ПЕНЯ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилиб, қонунда белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун пеня ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи нотижорат ташкилотларига (кейинги матнларда «солиқ тўловчи») тааллуқлидир.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомда қўллаш мақсадида қўйидаги атама ва иборалардан фойдаланилади:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар — бюджет, давлат мақсадли жамғармалари ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар;

ортиқча тўланган сумма — муайян санада тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланган суммалардан ошиб кетиши;

ортиқча тўлов — солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан қайтарилиши ёки келгуси тушумлар ҳисобига ёзи-

лиши лозим бўлган хато ёки ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси;

солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварақаси — ҳисобланган ва тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек пеня ва молиявий жарималар ҳисоби юритиладиган белгиланган шаклдаги ҳужжат;

боқимонда — қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси;

пеня — тўлов муддати тугагач кечиктирилган ҳар бир кун учун қонунчиликда белгиланган миқдорда ҳисоблаб ёзиладиган жарима.

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича пеня ҳисоблаш учун жойлардаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан шахсий ҳисобварақалари очилади.

3. Боқимонда суммасининг ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ошган қисмига пеня ҳисоблаш учун солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварақарида ҳар бир солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари (жисмоний шахслар даромад солиғи бундан истисно) бўйича барча операциялар қолдиқ суммалари акс эттирилган ҳолда операциялар амалга оширилган (солиқ тўловчи шахсий ҳисобварақаларида ёзувларни юритиш) санага ёзилади.

II. ПЕНЯ ҲИСОБЛАНИШИ

4. Пеня солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақаларида акс эттирилган, боқимонда суммасидан тўлов муддати тугаган кундан бошлаб ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз миқдорида ҳисобланади.

Мисол:

Солиқ тури	Боқимонда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	Пеня ҳисоблаш даври	Ҳисобланган пеня
Қўшилган қиймат солиғи	100,0	—	х	х	х
Даромад (фойда) солиғи	325,0	—	х	х	х
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	200,0	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	—	65,0	х	х	х
Жами	425,0	265,0	-160,0	15 кун	1,2

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;
«-» — боқимонда бўйича қолдиқ.

минг сўм

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб ҳисобланган пеня суммаси 1,2 минг сўмни (160,0 x 15 кун x 0,05%) ташкил этади.

5. Боқимонда суммасининг солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган сумма миқдорига тенг қисмига пеня ҳисобланмайди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммалар мавжудлиги давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланиши лозим.

Мисол:

Солиқ тури	Боқимонда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	минг сўм	
				Пеня ҳисоблаш даври	Ҳисобланган пеня
Қўшилган қиймат солиғи	300,0	—	х	х	х
Даромад (фойда) солиғи	—	200,0	х	х	х
Мақтаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	200,0	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	100,0	—	х	х	х
Жами	400,0	400,0	0,0	—	0,0

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;
«-» — боқимонда бўйича қолдиқ.

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб, жами боқимонда ва ортиқча тўланган суммалар тенг қийматни, яъни нуль қолдиқни ташкил қилади, мос равишда пеня ҳисобланмайди.

6. Жами ортиқча тўланган суммалар боқимонда суммаларидан ошиб кетганда пеня ҳисобланмайди.

Мисол:

Солиқ тури	Боқимонда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	минг сўм	
				Пеня ҳисоблаш даври	Ҳисобланган пеня
Қўшилган қиймат солиғи	250,0	—	х	х	х
Даромад (фойда) солиғи	—	300,0	х	х	х
Мақтаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	250,0	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	200,0	—	х	х	х
Жами	450,0	550,0	+ 100,0	—	0,0

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;
«-» — боқимонда бўйича қолдиқ.

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб, жами ортиқча тўланган сумма боқимонда суммаларидан ошиб кетади, мос равишда пеня ҳисобланмайди.

7. Ҳисобланган пеня суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича ҳар бир солиқ ва мажбурий тўлов бўйича боқимонда суммаларининг жами боқимонда суммасидаги улушидан келиб чиқиб тақсимланади.

Мисол:

Солиқ тури	Боқимонда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	Пеня ҳисоблаш даври	минг сўм	
					Ҳисобланган пеня	Пеня тақсимоти
Қўшилган қиймат солиғи	100,0	—	х	х	х	0,3
Даромад (фойда) солиғи	325,0	—	х	х	х	0,9
Мақтаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	200,0	х	х	х	х
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	—	65,0	х	х	х	х
Жами	425,0	265,0	- 160,0	15 кун	1,2	1,2

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;
«-» — боқимонда бўйича қолдиқ.

Бу мисолда 160,0 минг сўм боқимонда қолдиқ суммасига 1,2 минг сўм миқдорига ҳисобланган пеня суммаси, қўшилган қиймат солиғи (24%) ва даромад (фойда) солиғи (76%) бўйича боқимонда суммаларининг жами боқимонда суммасидаги улушларига мос равишда тақсимланади.

8. Пеня суммаси солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги (боқимондаси) суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

1-мисол:

Солиқ тўловчи 01.02.2007 йил ҳолатига даромад (фойда) солиғи бўйича 500,0 минг сўм боқимондага эга ва шу суммага ҳисобланган пеня суммаси 80,0 минг сўмни ташкил этади. Солиқ тўловчи 10.02.2007 йил куни даромад (фойда) солиғи бўйича 300,0 минг сўм боқимондани қоплади, мос равишда, боқимонда суммаси шу кунга 200,0 минг сўмни ташкил қилди. Демак, 01.02.2007 йилдан 10.02.2007 йил (шу кун ҳам ҳисоб-китобда инobatга олинган ҳолда) даврига 2,5 минг сўм пеня ҳисобланиб, жами пеня суммаси 82,5 минг сўмни ташкил этди.

2-мисол:

Келтирилган 1-мисолдаги солиқ тўловчи бўйича 10.02.2005 йил ҳолатига даромад (фойда) солиғидан боқимонда 200,0 минг сўмни, ҳисобланган пеня 82,5 минг сўмни ташкил этди. Солиқ тўловчи 15.02.2007 йил куни даромад (фойда) солиғи бўйича 150,0 минг сўм боқимондани қоплади, мос равишда, шу кунга боқимонда суммаси 50,0 минг сўмни ҳосил қилди. Демак, 11.02.2007 йилдан 15.02.2007 йил (шу кун ҳам инobatга олинади) даврига 0,5 минг сўм пеня ҳисобланиб, якуний пеня суммаси 83,0 минг сўмни ташкил қилди. 16.02.2007 йилдан бошлаб пеня ҳисобланмайди, сабаби илгари ҳисобланган солиқ суммаси боқимонда қолдиқ суммаси (200,0 минг сўм - 150,0 минг сўм = 50,0 минг сўмдан) ошиб кетади.

9. Ҳисобланган пеня суммаси боқимонда мавжуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича тақсимланади, лекин илгари ҳисобланган пеня суммаси боқимонда суммасига тенг ёки ошиб кетган солиқ турлари бўйича солиқ тўловчи шахсий ҳисобварақларида акс эттирилмайди.

Мисол:

минг сўм

Солиқ тури	Боқимонда	Ортиқча тўлов	Қолдиқ (+, -) *	Пеня ҳисоблаш даври	Ҳисобланган пеня	Илгари ҳисобланган пеня қолдиғи	Пеня тақсими	Якуний пеня суммаси
Қўшилган қиймат солиғи	50,0	—	x	x	x	50,0	0,2	50,0
Акциз солиғи	50,0	—	x	x	x	65,0	0,2	65,0
Даромад (фойда) солиғи	200,0	—	x	x	x	10,0	0,7	10,7
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	—	100,0	x	x	x	—	x	—
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	—	50,0	x	x	x	—	x	—
Жами	300,0	150,0	-150,0	15 кун	1,1	125,0	1,1	125,7

* «+» — ортиқча тўлов бўйича қолдиқ;
«-» — боқимонда бўйича қолдиқ.

10. Солиқ тўловчилар шахсий варақлари шакли ва уларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 11 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ТИББИЙ УСКУНАЛАР ВА АППАРАТУРАЛАРНИНГ
МЕТРОЛОГИК НОРМАЛАР ВА СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ХУЛОСАЛАР БЕРИШ ҲУҚУҚИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
10 октябрда 1726-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 41-42-сон, 424-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотларни ва хизматлари сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 18 майдаги 104-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқига аккредитациядан ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги Бош директори
Р.БЎРИЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 14 август
367-сон.

*2007 йил 20 октябрдан кучга киради.

«Ўзстандарт» агентлиги

Бош директорининг 2007 йил 14 августдаги 367-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ТИББИЙ УСКУНАЛАР ВА АППАРАТУРАЛАРНИНГ МЕТРОЛОГИК
НОРМАЛАР ВА СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ХУЛОСАЛАР БЕРИШ ҲУҚУҚИНИ
АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 18 майдаги 104-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқи учун аккредитациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

Қоидалар Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган, ишлаб чиқариладиган ва фойдаланиладиган тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлигини баҳоловчи ва бу ҳақда хулоса берувчи юридик шахсларнинг метрология хизматларига тааллуқлидир.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

метрология хизматларини аккредитациядан ўтказиш — метрология хизматларининг белгиланган аккредитациядан ўтказиш соҳасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш мақсадида ишлар ўтказишининг қонунийлигини расман тан олиш;

аккредитациядан ўтказувчи орган — тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг мавжуд талабларга мувофиқлиги ҳақида хулоса бериш ҳуқуқига расман ваколат берувчи давлат бошқаруви органи («Ўзстандарт» агентлиги);

апелляция — аккредитация аризачисининг унинг тегишли ҳолатига нисбатан бирор-бир салбий қарорни қайта кўриб чиқиш учун қилган ёзма мурожаати;

аккредитация аризаچиси — аккредитация қилинишига талабгор юридик шахс;

метрология хизмати — давлат органлари ва юридик шахслар метрология хизматларининг тизими ва уларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлашга йўналтирилган фаолияти;

аккредитация мезонлари — аккредитация аризаچисининг мувофиқ бўлиши лозим бўлган талаблар мажмуаси;

аккредитация соҳаси — мувофиқликни тасдиқлаш бўйича маълум фаолият соҳасидаги аниқ ишларни бажариш учун берилган ариза ва (ёки) берилган аккредитация;

аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома — белгиланган аккредитация соҳасида аккредитация қилинган метрологик хизматларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлаш ҳуқуқларини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

аккредитациядан ўтказиш бўйича Кенгаш — Миллий аккредитациядан ўтказиш тизимининг ўтказилган аккредитациядан ўтказиш натижалари бўйича қарор қабул қилувчи раҳбарий идораси (бундан кейин Кенгаш деб юритилади);

техник эксперт — аккредитация соҳасида баҳоланишга нисбатан махсус билимларни таъминлаш ёки экспертиза учун аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан тайинланадиган шахс;

сифат бўйича эксперт — аудитор — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган, аккредитация соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакага эга мутахассис.

2. Аккредитация ўзининг тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш соҳасидаги лаёқатини тан олиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган ҳамда аккредитациядан ўтказиш учун тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширган аризаچига нисбатан аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилади.

3. Тиббий ускуналар ва аппаратураларни баҳолаш бўйича ишларни ўтказиш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беришни амалга оширувчи метрология хизматларининг лаёқатини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

4. Метрология хизматлари Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисидаги» Қонунида назарда тутилган бошқа турдаги метрология назоратига ҳам аккредитация қилиниши мумкин, шунингдек ўзининг таркибида ўлчаш воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда метрологик аттестациялаш, қиёслаш ва тиббий ускуналар ва аппаратураларни калибрлаш ҳуқуқига аккредитация қилинган калибрлаш лабораторияларига эга бўлиши мумкин.

5. Метрология хизматини аккредитациядан ўтказиш учун умумий мезонлар қуйидагилар ҳисобланади:

а) тиббий ускуналар ва аппаратуралар ишлаб чиқарувчилари, етказиб берувчилари ва истеъмолчиларидан мустақиллиги;

б) аккредитацияланувчи аризаچининг юридик ҳолатини тасдиқловчи ва тиббий ускуналар ва аппаратураларни баҳолаш ва мувофиқлигини тасдиқловчи ишларни бажариш қоидаларини белгиловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

в) малакали ва метрологик тайёргарликка эга, ўрнатилган тартибда аттестация қилинган мутахассисларнинг (бош метролог, ўлчаш турлари бўйича метролог) мавжудлиги;

г) баҳоланаётган объектларга норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги;

д) ўлчаш воситаларини аттестация қилиш, қиёслаш ва/ёки калибрлашни амалга оширувчи аккредитация қилинган лабораториялар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги келишувларнинг мавжудлиги (ўзининг таркибида мутахассис метрологлар ва/ёки аккредитация қилинган лабораториялари мавжуд бўлмаган метрология хизматлари учун).

II. АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

6. Метрология хизматларини аккредитациядан ўтказиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) аккредитациядан ўтказиш учун ариза бериш, аризани олдиндан кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш, аккредитациядан ўтказувчи орган билан экспертиза ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш, ариза берувчи томонидан экспертиза учун тўловларни амалга ошириш;

б) экспертиза далолатномасини расмийлаштириш билан бирга ҳужжатлар тўпламини экспертиза қилиш, баҳолашга тайёрлаш ва уни ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш, аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрлаш, баҳолаш ўтказилиши учун аризаچи томонидан тўловнинг амалга оширилиши;

в) аккредитация объектини баҳолашга тайёрлаш (комиссия тайинлаш, буйруқ чиқариш, объектни жойида баҳолаш дастурини ишлаб чиқиш);

г) далолатнома расмийлаштирилиши билан бирга аризаچини жойида баҳолаш;

д) ҳужжатлар экспертизаси натижаси, жойида баҳолаш натижаларини, аризаچи томонидан камчиликларнинг бар-тараф этилиши самарадорлигини таҳлил этиш, қарор лойиҳасини тайёрлаш;

е) экспертиза ва баҳолаш ҳужжатларини Кенгашда кўриб чиқиш, шунингдек аккредитациядан ўтказиш ёки аккредитациядан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

ж) аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш, қайд этиш ва тақдим этиш ва аризаچи томонидан тўловларни амалга ошириш.

Аккредитациядан ўтказишнинг ҳар бир босқичи олдинги босқичнинг ижобий натижалари бўйича амалга оширилади.

7. Аккредитациядан ўтказиш учун тўловлар Хизматларга тўловларни амалга ошириш тартибига (1999 йил 28 апрель, рўйхат рақами 722) мувофиқ амалга оширилади.

8. Аккредитациядан ўтказиш бўйича тўловлар аризаچи томонидан ҳар бир босқич учун алоҳида амалга оширилади.

Аризаچи тузилган шартномага кўра аккредитациядан ўтказиш ишлари билан боғлиқ барча тўловларни уларнинг натижаларидан қатъи назар, тўлаши шарт.

9. Тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг Миллий аккредитациядан ўтказиш тизимининг доирасида метрология нормалари ва стандартларига мувофиқлигини баҳолаш соҳасидаги ўзининг лаёқатини тан олиниши истагини билдирувчи аккредитация аризаچиси аккредитациядан ўтказувчи орган мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ ариза ва аккредитация мезонларининг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни йўллайди.

10. Метрология хизматини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида берилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) таъсис ҳужжатлари нусхалари;

б) аккредитация соҳасининг лойиҳаси;

в) тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш бўйича метрология хизмати низоми лойиҳаси;

г) тиббий ускуналар ва аппаратураларни баҳолаш ва уларни метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича хулосалар бериш тартиби;

д) метрология хизмати мутахассисларининг метрологик тайёргарлиги кўрсатиб ўтилган рўйхати;

е) баҳоланувчи ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик хоссаларини белгилаш учун аккредитация соҳасининг лойиҳасида кўрсатилган мувофиқлик баҳолаш объектларининг норматив ҳужжатлари рўйхати.

Баҳоланувчи ускуналар метрологик хоссаларини белгиловчи норматив ҳужжатлари ўзгарганда, аккредитация қилинган метрология хизматлари аккредитациядан ўтказувчи органга тегишли ахборотни тақдим этадилар.

11. Аккредитациядан ўтказиш учун тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиш натижаси бўйича, ариза қайд қилинган кундан бошлаб уч кун ичида аккредитация ишларини олиб бориш тўғрисида ёзма равишда қарор қабул қилинади.

12. Аккредитациядан ўтказувчи орган ариза бўйича қарор қабул қилиб экспертиза ўтказилишини таъминлайди. Экспертиза аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан экспертиза учун тўловлар амалга оширилгандан сўнг ўтказилади. Аккредитациядан ўтказиш ишларига (ҳужжатлар экспертизаси, метрология хизматини текшириш ва ҳ.к.) аккредитациядан ўтказувчи орган штатига кирмайдиган эксперт-аудиторлар, маслаҳатчилар ва мутахассислар жалб этилган ҳолда, уларга тўловлар фуқаролик-ҳуқуқий

тусдаги шартномалар асосида амалга оширилади.

13. Хужжатлар экспертизаси ариза бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддат ичида амалга оширилади. Экспертиза натижаси сифат бўйича эксперт-аудитор томонидан берилган хулоса билан расмийлаштирилади.

14. Экспертиза натижалари салбий бўлганда аккредитациядан ўтказувчи орган аккредитация мезонларига номувофиқлиги сабабли уни аккредитациядан ўтказиш рад этилганлиги ҳақида аризачини хабардор қилади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун муддат берилади. Ушбу муддат 30 кундан ошмаслиги лозим.

15. Аккредитациядан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарнома аризачига рад этилиш сабаблари ва камчиликлар бартараф этилиб, хужжатлар қайта тақдим этилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма равишда юборилади (тақдим этилади).

16. Аризачи томонидан аккредитациядан ўтказиш рад этилиши учун асос бўлиб хизмат қилувчи сабаблар бартараф этилганда, хужжатларнинг қайта кўрилиши аризачининг аризаси билан биргаликда барча зарур хужжатлар олинганидан сўнг ўн кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Аризани қайта кўриш учун тўловлар ундирилмайди. Аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг тақдим этилган ариза янги тақдим этилган ариза бўлиб ҳисобланади.

17. Экспертизанинг ижобий натижалари бўйича аккредитациядан ўтказувчи орган аккредитация объектини жойида баҳолаш учун комиссия тузади. Комиссия аккредитациядан ўтказувчи орган раҳбарининг комиссия таркиби, жойида баҳолашни ўтказиш мақсади, санаси ва муддати кўрсатилган буйруғи билан тайинланади.

Комиссия раиси сифат бўйича эксперт-аудитор даражасига аккредитация қилинган бўлиши лозим.

Комиссия шакллантирилишида баҳолаш объектив ўтказилиши учун зарур бўлган лаёқат, билим ва малака ҳисобга олинади.

18. Зарур ҳолларда эксперт-аудиторлар раҳбарлигида ишлашлари лозим бўлган техник экспертлар жалб этилиши мумкин.

19. Баҳолаш объектлари ва мезонларини қамраб олувчи баҳолаш режаси комиссия томонидан ишлаб чиқилади ва аккредитациядан ўтказувчи орган раҳбари ёки бунга ваколатли бўлган шахс томонидан тасдиқланади. Баҳолаш буйруғи ва режаси баҳолаш ўтказилишидан олдин аризачига танишиб чиқиш учун тақдим этилади.

20. Аккредитация объектини жойида баҳолашда объектнинг амалдаги ҳолати аризага илова қилинган хужжатларга мувофиқлиги ва даъво этилаётган вазифаларни амалга оширишга қодирлиги текширилади.

21. Комиссия аккредитация объектининг аккредитациянинг белгиланган мезонларига мувофиқлигини баҳолаш режасига мувофиқ баҳолашни ўтказиши.

Баҳолаш давомийлиги бир ойдан ошмаслиги лозим. Аккредитация объектини жойида баҳолаш натижалари баҳолаш далолатномаси (маълумотномаси) билан ушбу Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ расмийлаштирилади.

22. Далолатнома комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Комиссиянинг бирор-бир аъзоси комиссия хулосаси билан рози бўлмаган ҳолда, у баҳолаш далолатномасига илова қилинадиган ёзма эътирозини билдириши мумкин.

23. Аккредитациядан ўтказувчи орган аризачи томонидан тақдим этилган барча маълумотларни текшириб бўлганидан сўнг, хужжатлар экспертизаси натижалари, баҳолаш далолатномаси, далолатнома бўйича хулоса ва эътирозлар, аризачининг тақдим қилинган фикрларини таҳлил этади ва Кенгашда кўриб чиқилиши учун киритади.

24. Кенгаш 15 кундан кўп бўлмаган муддатда аризачи томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади ва аккредитациядан ўтказиш ёки аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

25. Аккредитациядан ўтказиш рад этилган ҳолда Кенгаш томонидан аккредитация объектига аниқланган камчиликлар ва аккредитация талабларига номувофиқликларни бартараф этиш учун бир ойлик муддат берилади.

26. Қайта баҳолашда ҳам камчиликлар ва аккредитация талабларига номувофиқликлар аниқланса, Кенгаш аккре-

дитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

27. Аккредитациядан ўтказиш муддати аккредитация объектининг тайёрлигига боғлиқ бўлиб, аккредитациядан ўтказиш учун ариза қайд этилган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак.

III. АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМАНИ БЕРИШ

28. Аккредитациядан ўтказиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, аккредитациядан ўтказувчи орган аризачига ушбу Қоидаларнинг 3-иловасида келтирилган шаклдаги аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

29. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома Ўзбекистон Республикасининг Миллий аккредитациядан ўтказиш тизими реестрида (бундан кейин реестр деб юритилади) қайд этилади.

30. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳномага Аккредитация объектининг низоми, шунингдек аккредитациядан ўтказувчи орган раҳбари томонидан ушбу Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ тасдиқланган аккредитация соҳаси илова қилинади.

31. Аккредитация соҳасининг ҳар бир саҳифаси «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитация бўлими бошлиги ҳамда аккредитациядан ўтказилган ташкилот раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

32. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома муддатсиз берилади.

33. Аккредитация объекти фаолиятининг белгиланган аккредитация мезонларига мослигининг инспекция назорати аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари»га (2005 йил 20 апрель, рўйхат рақами 1472) мувофиқ амалга оширилади.

IV. АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ТЎХТАТИБ ТУРИШ

34. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома аккредитация қилинган орган аризаси, шунингдек «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари»да (2005 йил 20 апрель, рўйхат рақами 1472) белгиланган ҳолларда бекор қилинади ва (ёки) тўхтатиб турилади.

35. Тўхтатиб турилган аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши қонун хужжатларида белгиланган муддатларда номувофиқликлар бартараф этилганидан сўнг тасдиқланиши мумкин. Бунда гувоҳнома эгаси томонидан номувофиқликлар бартараф этиш бўйича кўрилган чораларни тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилади.

36. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома бекор қилинганда, реестрга аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома бекор қилинганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.

Реестрга тегишли ёзувлар киритилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома эгасига гувоҳнома бекор қилинганлиги тўғрисида маълумот хати юборилади.

Аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилингандан сўнг қайта аккредитациядан ўтишга ариза мазкур Қоидаларнинг II-бўлими талабларига кўра тақдим қилиниши мумкин.

V. ЮРИДИК ШАХС ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН, НОМИ ЁКИ МАНЗИЛИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ) ЎЗГАРГАНДА ХУЖЖАТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

37. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган ҳолларда, аккредитация объекти қайта қайд этилганидан сўнг бир ҳафталик муддат ичида аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларнинг тасдиқловчи хужжатларни (Уставнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, Уставга киритилган ўзгартиришлар қайд этилганини тас-

диқловчи ҳужжатлар ва аввал берилган аккредитация қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг асл нусхаси) илова қилган ҳолда аккредитациядан ўтказувчи органга топшириши шарт. Ариза ҳужжатлар тўплами билан биргаликда аризачи томонидан бевосита ёки почта алоқа воситалари орқали етказиб берилади. Гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунига қадар аккредитация объекти ўз фаолиятини аввал берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

38. Ариза келиб тушганида аккредитациядан ўтказувчи орган юридик шахснинг қайта ташкил этилгани, номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганини тасдиқловчи тақдим этилган ҳужжатларни ва ушбу ўзгаришларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайд этилганини текширади.

39. Агар аризачи аввал аккредитация қилинган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси бўлса, ҳужжатлар кўриб чиқилишининг кейинги босқичлари мазкур Қоидаларнинг II-бўлимнинг 2-параграфида баён этилган тартибда амалга оширилади.

40. Қайта расмийлаштирилган аккредитация қилинган-

**Соғлиқни сақлаш вазири
Ф.НАЗИРОВ.**

лиги тўғрисидаги гувоҳнома аккредитациядан ўтказувчи орган томонидан ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кун давомида мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ берилади.

**VI. АПЕЛЛЯЦИЯЛАРНИ КЎРИБ
ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

41. Аккредитациядан ўтказиш натижалари билан норози бўлган манфаатдор томон «Ўзстандарт» агентлигининг апелляция кенгаши ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

42. Апелляция кенгаши қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДА

43. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси билан келишилган.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
Давлат қўмитаси раиси в.б.
Б.УЛАШОВ.**

Тошкент ш., 2007 йил 13 август.

Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларига 1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИ**

Аккредитациядан ўтказувчи орган раҳбарига

**АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТИШ УЧУН
АРИЗА**

1. _____ НИНГ

(аризачи номи)

тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш учун

(аккредитация объекти)

_____ ни аккредитациядан ўтказишни сўрайди.

2. Манзил, телефон, телекс, факс, ҳисоб рақами _____

3. Раҳбар Ф.И.О. _____

4. Жавобгар ходим Ф.И.О., телефон _____

Аккредитациядан ўтиш учун илова қилинадиган ҳужжатлар:

- 1. _____
- 2. _____
- 3. _____
- 4. _____
- 5. _____
- 6. _____
- 7. _____

Ҳақ тўлаш кафолатланади.

Аризачи _____ (ташкilot номи) _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларига 2-ИЛОВА

Миллий аккредитациядан ўтказиш тизими

**Аккредитациядан ўтувчи метрология хизматини баҳолаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ (МАЪЛУМОТНОМАСИ)**

(аризачи номи)

(аккредитация соҳаси)

«__» _____ 20 й. дан «__» _____ 20 й. гача бўлган муддатда

Комиссия таркибида:
Комиссия раиси

_____ (Ф.И.О., лавозими)

Комиссия аъзолари

_____ (Ф.И.О., лавозими)

аккредитациядан ўтказиш мақсадида _____ ни баҳолашдан ўтказди

(аризачи номи)

Баҳолаш натижасида аниқланди:

Комиссия тавсия этади:

_____ (комиссиянинг аризаچи фаолиятини такомиллаштириш борасидаги тавсиялари)

Хулоса:

_____ (аризачи ташкилотни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги комиссия хулосаси)

Комиссия раиси

_____ (имзо)

Комиссия аъзолари

_____ (имзо)

Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон стандартлаш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги**

**Ўзбекистон Республикаси миллий
аккредитациядан ўтказиш тизими**

**Метрология хизматини
АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА**

Миллий аккредитациядан ўтказиш тизими

Давлат реестрида қайд этилган

«__» _____ 20__ й.

№ UZ.AMT.06 (04).MAI _____

«Ўзстандарт» агентлиги тасдиқлайдики,

_____ (аризачи номи, манзили)

Аккредитациядан ўтказиш тизими талабларига _____ жавоб беради, ва Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитациядан ўтказиш тизимида аккредитация қилинганлигини тасдиқлайди.

Низом ва аккредитация соҳаси илова қилинади.

Гербли
муҳр ўрни

Аккредитациядан
ўтказувчи орган
раҳбари

_____ (лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Аккредитация соҳаси шакли

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Аккредитациядан ўтказувчи
орган раҳбари

Аккредитация қилинганлиги
тўғрисида гувоҳнома
ИЛОВАСИ

_____ (Ф.И.О.)

«__» _____ 20__ й.

№ _____

_____ 20__ й.

АККРЕДИТАЦИЯ СОҲАСИ

_____ (метрология хизматининг номи ва манзили)

Баҳоланувчи тиббий техника ва тиббий ўлчов воситаларининг номи (гурухи) 1	Маҳсулотга қўйиладиган мажбурий талабларни мужассамлаштирувчи норматив ҳужжатнинг белгиланиши 2
--	--

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ,
ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАСБ-ҲУНАР
КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИ ИМКОНИАТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР
УЧУН МУТАХАССИСЛИКЛАР ВА КАСБЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
4 сентябрда 1713-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 35-36-сон, 372-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сонли «Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари фаолияти тўғрисида»ги қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган

касб-ҳунар коллежларида таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.
А.ХАИТОВ.
М-34-сон

Иқтисодиёт вазири
Б.ХОДЖАЕВ.
25-сон

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими маркази директори
А.КАРИМОВ.
